



20 20 у « 10 » октябрь

№ К-1572

« » 20 г

**Тумандаги “Nazarbek” пахта
ғаллачиликка ихтисослашган
фермер хўжалигига қўшимча
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Курбонов Абдуназар бошлиқ “Nazarbek” пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча “Ўзбекистон” массиви “Шерози” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасининг 373, 431к, 428, 429, 430к, 440-контурларда жойлашган жами 41,90 гектар шундан 41,40 гектар яйлов ер майдони, 0,50 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Бундан кейин “Nazarbek” пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг хўжалик харитасида “Ўзбекистон” массиви хўжалик харитасида 373, 431к, 428, 429, 430к, 440, 869, 868, 866, 855к, 879, 875, 881к, 876, 874, 871, 1181, 1172к, 1174, 1182-дала контурларида жами 154,98 гектар, шундан 99,50 суғориладиган экин ер майдони, 6,0 гектар боғ, 41,40 гектар яйлов, 2,80 гектар ариқ, 2,15 гектар йўл, 3,13 қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошев туман ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда “Nazarbek” пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги девонхона мудирини (Ш.Чориев)га “Nazarbek” пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер майдони

ажратиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

TO'G'RI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXO'IDARYO VILOYATI
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR